

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ

ТУРСУНОВ АРМАН АЛТАЕВИЧ

**ҚОРА ЎРАЛАР АТРОФИДАГИ АСТРОФИЗИК ЖАРАЁНЛАР
ВА ЮҚОРИ ЭНЕРГИЯЛИ КОСМИК НУРЛАР**

01.03.01-Астрономия

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Content of the dissertation abstract of the doctor of sciences (DSc)
on physical and mathematical sciences**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора физико-математических наук (DSc)**

Турсунов Арман Алтаевич

Қора ўралар атрофида астрофизик жараёнлар ва юқори энергияли
космик нурлар 3

Tursunov Arman Altayevich

Astrophysical processes in black hole environment and high-energy cosmic
rays..... 29

Турсунов Арман Алтаевич

Астрофизические процессы в окрестности черных дыр и космические
лучи высоких энергий 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works
Список опубликованных работ..... 65

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ

ТУРСУНОВ АРМАН АЛТАЕВИЧ

**ҚОРА ЎРАЛАР АТРОФИДАГИ АСТРОФИЗИК ЖАРАЁНЛАР
ВА ЮҚОРИ ЭНЕРГИЯЛИ КОСМИК НУРЛАР**

01.03.01-Астрономия

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.DSc/FM133 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Астрономия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.inp.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Ахмедов Бобомурат Жўраевич**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Абишев Медеу Ержанович**
физика-математика фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон фанлар академиясининг муҳбир аъзоси

Миртаджиева Каромат Тахировна
физика-математика фанлари доктори, доцент

Олимов Хуснитдин Косимович
физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **Россия фанлар академиясининг астрономия институти**

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти, Астрономия институти, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Улуғбек кўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-41; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz.)

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент шаҳри, Улуғбек кўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-19.)

Диссертация автореферати 2019 йил « _____ » кун тарқатилди.
(2019 йил “ _____ ” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М. Ю. Ташметов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ф.-м.ф.д., профессор

Э.М. Турсунов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

И. Нуриддинов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси ф.-м.ф.д., профессор

Кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда қора ўралар атрофида астрофизик жараёнларга кўп олимлар томонидан эътибор қаратилмоқда. Қора ўралар – Коинотда ўзининг кичик ўлчами ва катта массаси билан бошқа осмон жисмларидан ажралиб турувчи ҳамда замонавий физиканинг бор чиройи ва экстремаллигини намоён этувчи экзотик астрофизик объектдир. Коинотда энг қоронғи объект бўлгани ҳолда қора ўралар атрофидаги фазо-вақтни эгрилаб, у ердаги моддаларни юқори ҳароратгача қиздиради ҳамда энг ёрқин, юқори қувватли ва ўта массив объектлар ҳисобланади. Сўнги йиллардаги кузатув ва экспериментал асбобларнинг ривожланиши билвосита ва бевосита бундай объектларнинг табиатда мавжудлигини тасдиқлади.

Ҳозирги кунда етакчи тадқиқотчилар томонидан диссертация мавзуси билан боғлиқ бўлган ва уларнинг долзарблиги ва заруратини белгилаб берувчи қатор муҳим кашфиётлар очилган. 2019 йил апрель ойида Ҳодисалар горизонти телескопи (ЕНТ - Event horizon telescope) ёрдамида илк бор М87 (Meisser 87) галактикаси марказида жойлашган қора ўранинг тасвири 1.3 мм ли тўлқин узунлиги диапазолида олинди. 2018 йилнинг июль ойида “Муз-куб” нейтрино обсерваторияси (Ice Cube Neutrino Observatory)да Галактикамиз ташқарисидан келаётган юқори энергияли нейтринолар топилганлиги тўғрисидаги муҳим кашфиёт эълон қилинди ва нейтриноларнинг манбаи биздан тахминан 1.75 Гпк масофадаги релятивистик джети бизга томон йўналган ўта-массив қора ўра – блазарни аниқлаш имконини берди. Юқори энергияли нейтринолар бирламчи космик нурларнинг атрофидаги муҳит ёки фотонлар билан адрон ўзаро таъсири натижасида пайдо бўлади. Энергияси $\sim 10^{15.5}$ эВ гача бўлган космик нурлар одатда галактик янги юлдузнинг портлашидан пайдо бўлади деб ҳисобланади. 2018 йилнинг май-июль ойларида Европа жанубий обсерваториясидаги (ESO) жуда катта телескоп (Very Large Telescope)нинг бир қисми бўлган GRAVITY қурилмаси ёрдамида спектрнинг инфрақизил қисмида қора ўра яқинидаги ҳаракатланувчи материя кузатилди ва унинг тезлиги ёруғлик тезлигининг 30 фоизини ташкил этишини кўрсатди. 2018 йил ўрталарида А. Эйнштейн томонидан яратилган умумий нисбийлик назарияси (УНН)ни ўта массив қора ўра атрофида айланувчи S2 юлдузи ҳаракатининг кузатуви ёрдамида муваффақиятли текшириш натижалари эълон қилинди. Бундан ташқари 2015 йилдан бошлаб лазер интерферометри обсерваторияларида бир неча бор қора ўраларнинг ва нейтрон юлдузларнинг қўшилиши натижасида вужудга келган гравитацион тўлқинларнинг қайд этилгани эълон қилинди.

Мамлакатимизда қора ўралар атрофида астрофизик жараёнлар ва юқори энергияли космик нурлар бўйича тадқиқотларга ҳам катта эътибор берилади. Мамлакатимиз илм-фан ривожини ҳамда фундаментал тадқиқот натижаларини ҳаётга татбиқ қилиш учун ушбу фундаментал тадқиқотларнинг йўналишлари Ўзбекистон Республикасини янада

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар¹ стратегиясига бевосита боғлиқ. Бу борада охириги 20 йил мобайнида Республикамизда релятивистик компакт объектлар астрофизикаси соҳаси жадал ривожланди, қора ўралар, юмрон қозик ўралари ва ялонғоч сингуляр объектларнинг оптик ва энергетик хусусиятлари ўрганилди, нейтрон юлдузлар релятивистик астрофизикасида умумрелятивистик эффектлар топилди, айланувчи магнитланган объектлар плазма магнитосфераси ва релятивистик электродинамикаси ривожлантирилди, вақти вақти билан кузатилувчи пульсарлар ва радиотинч магнитарлар табиати ойдинлаштирилди. Шундай бўлса ҳам ўта юқори энергияли космик нурларнинг келиб чиқиши борасидаги муҳим саволлар жавобини кутиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида, 2018 йил 29 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан чоп этилган “2019-2021 йилларда Ўзбекистонда тузилмали ислохотларнинг асосий йўналишларининг йўл харитаси”да ҳамда ушбу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Ўта массив қора ўралар ва уларга тегишли эффектлар, хусусан, улар атрофидаги модда ва электромагнит майдонлар, гравитацион линза эффектлари ва қора ўралар тасвирларини тадқиқ этиш билан қуйидаги ташкилотлардаги олимлар шуғулланишмоқда: Кёln университети, Радиоастрономия бўйича Макс Планк жамияти институти, Гравитацион физика бўйича Макс Планк жамияти институти – Альберт Эйнштейн институти, Франкфурт университети, Амалий космик тадқиқотлар ва микрогравитация маркази (Германия), Калифорния университети (Лос-Анджелес, АҚШ), Астрофизика институти (Андалузия, Испания), Университетлараро астрономия ва астрофизика маркази, Тата фундаментал тадқиқотлар институти (Хиндистон), Москва давлат университети, Штернберг номидаги Давлат астрономия институти (Россия), Шанхайдаги Фудан университети (Хитой), ЎзР ФА Астрономия институти (Ўзбекистон) ва бошқалар.

Космик нурлар, хусусан, юқори энергияли космик нурлар тадқиқоти бўйича дунё миқёсида бир қатор кашфиётлар қилинган. Масалан, Пьер Оже (Аргентина) ва Аллен панжара антеннаси ёрдамида қайд этилган космик нурлари йўналишларининг анизотропиясини ўрганиш ёрдамида $10^{18.5}$ эВ дан

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ФП-4947-сонли Фармони.

юқори бўлган катта энергияли космик нурлар пайдо бўлиши Галактикадан ташқари табиатга эга эканлиги кўрсатилди. Ўта юқори энергияли космик нурларнинг зарралар оқими жуда кичик бўлгани учун, мобил қурилмалар, масалан, яримўтказгичли технологиялардан фойдаланувчи смартфонлар ёрдамида зарраларни қайд этиш таклиф этилди. Ушбу лойиҳа Космик нурлар фавкулудда тақсимланган обсерватория (Cosmic-Ray Extremely Distributed Observatory – CREDO) ёрдамида амалга оширилади ва ушбу лойиҳага диссертация муаллифи билан бир қаторда 13 давлатдан 22 илмий муассаса олимлари жамоаси жалб этилади, масалан, Польша Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти (Польша), Опавадаги Силезия университети (Чехия), Я.Коменский номидаги университет (Словакия), Канзас университети (АҚШ), Бирлашган ядро тадқиқотлари институти (Россия), Массачусет технология институти (АҚШ) илмий жамоалари ва бошқалар.

Айланувчи қора ўралар атрофида электромагнит майдон хоссалари ва айланувчи қора ўраларнинг назарий таснифи билан дунёнинг етакчи илмий тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасалари шуғулланиб келишмоқда, хусусан, Альберт Эйнштейн маркази (Чехия), Опавадаги Силезия университети (Чехия), Альберта университети (Канада), Назарий физика маркази (Польша), Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институти ва бошқалар.

Ҳозирда жаҳонда компакт гравитацион объектлар яқинида энергетик жараёнларни ўрганиш мақсадида бир қатор, жумладан, қуйидаги муҳим йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ўта юқори энергияли космик нурларни назарий ва тажрибавий тадқиқ қилиш; юқори энергияли нейтриноларнинг пайдо бўлишини ўрганиш; айланувчи қора ўралардан энергия ажралиши самарадорлигини аниқлаш; Галактика марказидаги қора ўралар атрофидаги эффектларни кузатиш; қора ўралар яқинидаги электромагнит майдонларни назарий моделлаштириш ва улар атрофидаги зарралар ҳаракатини таҳлил қилиш; ташқи магнит майдони мавжудлигида айланувчи қора ўралар яқинида энергетик жараёнларни ўрганиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Астрофизик қора ўралар атрофидаги материянинг хусусиятлари, шунингдек, қора ўралар параметрлари учун лимитлар олиш дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказларининг олимлари, жумладан, германиялик (Р.Ганцель, А.Экарт, А.Зенсус, С.Бритзен), испаниялик (Р.Шодел, Б.Шахзаманян), италиялик (Р.Руффини, К.Кремаскини, М.Тессаротто), чехиялик (З.Стухлик, М.Колош), россиялик (А.Захаров, Д.Гальцов), америкалик (А.Гез), хитойлик (К.Бамби, А.Абдикамалов) ва бошқалар томонидан ўрганилган. Лекин қора ўра билан унинг атрофидаги материянинг ўзаро таъсири, қора ўра параметрига чекловлар олиш ёки аккрецион оқимнинг характеристикалари етарли даражада ўрганилмаган.

Ўта юқори энергияли космик нурлар детекторлари орасида иккита асосий космик нурлар лабораторияларини эътироф этса бўлади: шимолий яримшардаги телескоплар жамланмаси ва жанубий яримшардаги Пьер Оже

обсерваторияси. Ушбу нурларни экспериментал тадқиқ қилиш билан бир қаторда уларнинг келиб чиқиш механизмлари ва пайдо бўлишини ўрганишда қўлланилувчи бир қанча назарий ва феноменологик моделлар мавжуд. Бошқа илмий гуруҳлар орасида экзотик моделлар доирасида юқори энергияли космик нурларнинг кузатилишини тавсифлашга эришган АҚШ (Fly's Eye коллаборацияси), Антарктида (Ice Cube коллаборацияси), Германиядаги (Р.Энгель, К.Манхайм) илмий жамоаларининг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Аммо ҳозиргача ўта юқори энергияли космик нурларнинг пайдо бўлиш ва тезлашиш механизмлари етарлича тавсифланмади. Бундан ташқари, ушбу космик нурлар физикаси ва ўта массив қора ўраларнинг хоссалари орасидаги бевосита боғланиш ҳалигача муҳокама қилинмаган.

Бир жинсли ташқи электр майдонида жойлашган айланувчи Керр қора ўраси яқинидаги электромагнит майдонлар хусусиятлари, ташқи магнит майдон мавжудлигида айланувчи қора ўра атрофида зарралар динамикасини ўрганиш, Керр қора ўраси яқинида зарралар тўқнашувлари бир қатор илмий изланувчилар томонидан ўрганилган ва муҳокама қилинган, масалан: англиялик (Р.Вальд, Р.Бледфорд), америкалик (М.Банадос ва б.), россиялик (Д.В.Гальцов ва б.), канадалик (В.Фролов ва А.Шум), ўзбекистонлик (А.Абдужаббаров, Б.Ахмедов ва б.), туркиялик (А.Алиев ва Н.Ўздемир) ва бошқалар олимлар. Аммо, ўта самарали режимдаги энергия ажралиш механизмлари олдинги муаллифлар томонидан изчил таҳлил қилинмаган. Ушбу эффектларни илмий ўрганиш космик нурлар, релятивистик джет, квазарлар ва ҳ.к. ларда кузатилган турли муҳим феноменаларни изоҳлашда ёрдам беради.

Қора ўраларнинг соялари вакуум ҳолида ва плазма мавжудлигида, марказий объектнинг турли кўшимча параметрлари билан, баъзан, ғайри одатий ва физикавий тушунтирилмаган параметрлар орқали бир қатор олимлар томонидан ўрганилган, масалан япониялик (К.Маэда, К.Хиоки), германиялик (А.Грензебах, В.Перлик, К.Ламмерцаль, Л.Реццолла ва б.), ўзбекистонлик (А.Абдужаббаров, Б.Ахмедов, Ф.Атамуротов ва б.), аргентиналик (Э.Эироа, Л.Амарилла), чехиялик (Я.Шэ, З. Стухлик), россиялик (Г. Бисноватый-Коган, О. Цупко) ва бошқалар. Аммо бу ишларда олинган аналитик ва сонли натижаларни қора ўраларга номзод объектлар атрофидаги юқори хароратли плазмага қўллаш масаласи очик қолмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Астрономия институти илмий-тадқиқотлар режасининг ВА-ФА-Ф2-008 рақамли «Динамик ва стационар релятивистик гравитацион объектларда астрофизик жараёнлар» (2017–2020); «Қўшалок системаларда изоляцияланган қора ўралар релятивистик астрофизикаси» (2017–2020), ЁФА-АТех-2018-8 рақамли «Релятивистик астрофизикада компакт объектлар яқинидаги гравитацион ва электромагнит майдонлар ҳамда зарралар» (2018–2019); Ўзбекистон–Белоруссия дастурининг MRB-

AN-2019-29 рақамли «Астрофизик объектларни моделлаштириш ва уларнинг кузатиш хусусиятларини РТ-70 телескопи параметрлари ва Гамма-400 рус орбитал телескопи параметрлари билан корреляциялаш» (2019–2021) мавзусидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади астрофизик қора ўралар ва улар атрофидаги моддаларнинг электромагнит ва энергетик характеристикаларини ўрганиш ҳамда натижаларни юқори энергияли космик нурлар физикасига, қора ўралардан релятивистик плазма ажралиши, қора ўралар соялари ва бошқа бир қатор кузатув ҳодисаларини тадқиқ қилишга қўллашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ташқи магнит майдони мавжудлигида айланувчи қора ўралар атрофида зарядланган ва нейтрал зарралар ҳаракати, тўқнашиши ва сочилишини таҳлил этиш;

эгри чизиқли координаталарда электромагнит майдонларни тадқиқ этиш;

астрофизик қора ўралар яқинида ҳосил бўлувчи ўта юқори энергияли космик нурларни тавсифловчи модель ишлаб чиқиш;

юқори энергияли космик нурлар учун таклиф этилган модель ёрдамида олинган назарий натижаларни кузатув натижалари билан солиштириш;

айланувчи қора ўралар соясига бир жинсли бўлмаган плазманинг таъсирини аниқлаш;

қора ўралар ва унинг атрофидаги моддаларнинг электромагнит ўзаро таъсирлашишини ҳисобга олган ҳолда ушбу модель доирасида кузатув маълумотларини қайта таҳлил этиш ва муҳокама қилиш;

назарий натижаларни қора ўраларга номзод объектлар учун, хусусан, Галактика марказидаги ўта массив қора ўра учун татбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ташқи магнит майдонда жойлашган айланувчи қора ўралар ҳамда қора ўраликка номзод SgrA*, M87, NGC1052 каби объектлар ва блазарлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети астрофизик шароитларда қора ўралардан энергия ажралиши механизмлари; релятивистик қора ўраларнинг электромагнитик хусусиятлари, кучли гравитация режимида модданинг электромагнит нурланиши, компакт объектлар атрофидаги плазма характеристикалари ва плазма муҳитидаги қора ўранинг сояси ҳамда улар билан боғлиқ кузатув маълумотларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Турли юқори энергияли астрофизик ҳодисаларнинг хусусиятларини умумий нисбийлик назариясининг математик аппарати ҳамда модда ва майдон учун ночизиқли дифференциал тенгламаларни рақамли ечиш усуллари ёрдамида реал жараёнларни феноменологик моделлаштириш амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Сомон йўли марказидаги SgrA* қора ўранинг электр зарядига чеклов олинган, унинг энг катта қиймати $Q_{SgrA*} \leq 10^{15} Кл$ га тенглиги ва магнитланган қора ўралар яқинидаги стабил орбиталарнинг кенгайиши

аниқланган;

илк бор SgrA* қора ўранинг атрофида айланаётган плазманинг релятивистиклиги ва магнитланганлиги зарядларнинг ажралишига олиб келиши кўрсатилган, ушбу плазмада заряд концентрацияси 10^{-5} см^{-3} ва зарралар сони зичлиги $10^{7 \pm 1} \text{ см}^{-3}$ тартибида эканлиги аниқланган;

Галактика марказида SgrA* дан 1500 Шварцшильд радиуси доирасида ёрқин юлдуз бўлиш эҳтимоли йўқ бўлиши кўрсатилган;

ўта массив қора ўралардан энергия ажралиши натижасида ўта юқори энергияли космик нурлар пайдо бўлишининг янги механизми таклиф қилинган;

магнетик Пенроуз жараёнининг ўта эффектив режими кашф этилган ва ўта массив қора ўра яқинида протоннинг энергияси 10^{20} эВ дан ортиб кетиши кўрсатилган;

илк бор Галактика марказидаги SgrA* қора ўрадан энергия ажралишининг ўта самарали режимда учиб чиқаётган протоннинг энергияси $10^{15.5}$ эВ тартибида эканлиги кўрсатилган, бу энергия космик нурлар энергияси спектрининг тизза соҳасига мос келиши ва бу соҳада зарралар оқими сезиларли камайиши кузатилган;

Райсснера-Нордстрем-де-Ситтер қора ўраси сояси ўлчами учун аналитик ифода олинган;

илк бор плазма муҳитидаги айланувчи қора ўралар учун ёруғликнинг гравитацион оғиши ва унинг қутбланиш векторининг Фарадей бурилиши ўрганилган ва кучли ҳамда бир жинсли бўлмаган плазма учун ёруғлик оғиш бурчагининг аналитик ифодаси топилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўта массив қора ўрани юқори энергияли космик нурлар манбаси сифатида ишлатиб қора ўраларнинг параметрлари қийматларига лимитлар олишда янги усул таклиф этилган;

ўта юқори энергияли космик нурлар манбасининг массаси, масофаси ва магнит майдони каби параметрларига чегаравий қийматлар олинган;

ўта массив қора ўранинг электр заряди қора ўранинг айланиш параметри максимал қийматининг 60 % гача ўрнини боса олиши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда умумий нисбийлик назариясининг замонавий усуллари ҳамда юқори аниқликдаги рақамли усуллар ва алгоритмлардан фойдаланилгани, аксарият графикларни чизишда Wolfram Mathematica дастуридан фойдаланилгани, олинган назарий натижаларни кузатув маълумотлари ва бошқа олимларнинг натижалари билан таққослаш олиб борилгани, хулосалар гравитацион компакт объектлар назариясининг асосий ҳолатларига мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган формализм ёрдамида астрофизик қора ўралардан энергия чиқариш механизмлари ва электромагнит майдонларини, яқин келажакда янги авлод радиотелескоплари

ёрдамида қора ўраларнинг сояларини олиш ва галактикалар марказидаги ўта массив қора ўраларнинг турли параметрлари ҳамда хусусиятлари ҳақида маълумот олиш имкониятини бериши билан белгиланади. Бундан ташқари, Галактика марказидан келувчи ёруғликнинг рентген текширувлари натижасида қора ўра электр зарядининг мавжудлигига чекловлар олиш мумкин, бу эса ядроси актив галактикалар, квазарлар ва бошқалар билан боғлиқ бўлган ўта массив қора ўралар атрофида тезланиш механизмларида ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улар ёрдамида қора ўраларнинг массаси, айланиш, ориентация, заряд ва магнит майдон каби турли хил параметрларини баҳолаш учун ишлатилиши мумкинлиги билан изоҳланади. Натижалардан, шунингдек, гравитация кучларининг табиати ва динамикасини таҳлил қилиш, кузатиш тажрибаларини ишлаб чиқиш ва қора ўраларнинг муқобилларини аниқлаш ва идентификация қилиш мезонлари учун фойдаланиш мумкин.

Бу ифода ҳозирги ва келажакдаги интерферометрик кузатишларда қора ўранинг параметрлари учун лимитлар олишга ёрдам бериши мумкин, масалан, агар магнит ёки бран зарядлари етарлича катта бўлганда, “Ҳодисалар горизонти” телескопи ёрдамида лимит олиш мумкин

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қора ўралар атрофида астрофизик жараёнлар ва юқори энергияли космик нурлар бўйича олинган натижалар асосида:

Сомон йўли марказидаги SgrA* қора ўранинг параметрлари ва атрофидаги плазманинг динамикаси бўйича олинган натижалар SFB -956 рақамли Германия илмий фонди, Европа Иттифоқининг структуравий жамғармалари ва Польша Миллий илмий маркази грантлари доирасида гравитация назариясининг кучли майдон режимида текшириш учун фойдаланилган (Польша фанлар академияси Назарий физика марказининг 2019 йил 8 июлдаги маълумотномаси). Илмий натижаларининг қўлланилиши SgrA* қора ўранинг электрик зарядига чегаравий қийматларни олиш имконини берган;

ўта массив қора ўралардан энергия ажралиши натижасида ўта юқори энергияли космик нурлар пайдо бўлишининг янги механизми хорижлик олимлар томонидан (Physical Review D, 2018, 2019; International Journal of Modern Physics D, 2019; Journal of Cosmology and Astroparticle Physics, 2019) галактикамиз марказидаги ўтамассив қора ўранинг электромагнит хусусиятларини, қора ўра ва юлдузлараро фазонинг ўзаро таъсирларини ўрганишда фойдаланилган. Илмий натижаларининг қўлланилиши Хорндескийнинг зарядланган қора ўра атрофида гравитация (тортишиш) назариясини текшириш имконини берган;

қора ўраларнинг энергетик хусусиятларини ўрганиш, айланиш энергиясини электромагнит экстракциялашнинг аниқ усуллари, шунингдек, юқори энергияли жараёнлар бўйича олинган натижалар Хиндистоннинг Университетлараро грант қўмитаси дастурлари доирасида (Хиндистоннинг

Университетлараро грант қўмитасининг 2019 йил 15 июндаги маълумотномаси) ва хорижлик олимлар томонидан (Physics of the Dark Universe, 2019; The European Physical Journal C, 2019; Physical Review D, 2019; Monthly Notices of the Royal Astronomical Society, 2019) астрофизик компакт номзодларнинг параметрларининг чегара қийматларини олиш учун ишлатилган. Илмий натижаларининг қўлланилиши эргосферадаги заррачалар заррачалари билан кесишган қора ўралар энергиясини чиқариб ташлаш учун умумлаштириш имконини берган;

Райсснер-Нордстрем-де-Ситтер қора ўраси сояси ўлчами учун олинган аналитик ифодаси хорижлик олимлар томонидан (Physical Review D, 2019; International Journal of Modern Physics D, 2019; The European Physical Journal C, 2019; Physics of the Dark Universe, 2019; The Astrophysical Journal, 2018) қўлланилган. Илмий натижаларининг қўлланилиши зарядли зарраларнинг магнитланган қора ўра атрофидаги ҳаракатлари ва тегишли квазив-даврий осциляциялар, баъзи бир юлдузлар массаси тартибидаги микроквазарлар ва қора ўраларининг масса, айланиш параметри ва магнит майдонларини аниқлаш имконини берган;

плазма муҳитидаги айланувчи қора ўралар учун ёруғликнинг гравитацион оғиши ва унинг қутбланиш векторининг Фарадей бурилиши, кучли ҳамда бир жинсли бўлмаган плазма учун ёруғлик оғиш бурчагининг топилган аналитик ифодаси SGS/12/2019 рақамли Силезия университети гранти ва 14-37086 рақамли Гравитация ва астрофизика Альберт Эйнштейн маркази гранти доирасида ва хорижлик олимлар томонидан (Physical Review D, 2018, 2019; Astrophysics and Space, 2016; The European Physical Journal C, 2018, 2019; International Journal of Modern Physics D, 2018; Modern Physics Letters A, 2018; Monthly Notices of the Royal Astronomical Society, 2016) плазмадаги қора ўраларнинг оптик хусусиятларини ўрганишда фойдаланилган. Илмий натижаларининг қўлланилиши плазма гравитацион линзаланиш таъсири, плазма қора ўраларнинг соялари, Эйнштейннинг тортишиш назарияси ва тортишишнинг муқобил назарияларини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та ҳалқаро ва республика илмий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий ишлар нашр қилинган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та илмий мақола хорижий журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 216 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қора ўра магнитосферасининг электродинамикаси**» деб номланган биринчи боби астрофизик қора ўраларнинг электромагнит хусусиятларини ўрганишга бағишланган. У астрофизик қора ўраларни фақат иккита параметр, массаси – M ва айланиш параметри – a билан тавсифланадиган «Керр қора ўраси» гипотезасини ўрганишдан бошланади. Бироқ «no-hair» теоремасига кўра, Эйнштейн-Максвелл тенгламаларидан айланувчи массага эга жисм учун учинчи параметр – электр заряд бўлиши келиб чиқади. Қора ўраларнинг заряд параметри одатда нолга тенг, бу ҳолат эса ҳар қандай астрофизик қора ўрани ўраб турган плазма моддасининг селекция бирикмасидан келиб чиққан ҳолда қора ўралар тезда нейтраллашади, деб изоҳланади. Бироқ ҳар қандай астрофизик қора ўра ташқи магнит майдонга киритилган ҳолда ўзининг атрофидаги фазо-вақтни «судраши» (frame-dragging эффекти), магнит майдон чизиқларини буриши вакуум ва плазмада электр майдонини вужудга келтиради. Бунда қора ўра квадрупол зарядланади ва бу динамик жиҳатдан муҳимдир. Аммо бу заряд магнит майдон сингари кучсиз ва унинг энергия-импульс тензори атрофидаги фазо-вақтни ўзгартирмайди. Шу сабабдан Керр гипотезаси жуда яхши ва у стандарт кўринишда Бойэр-Линдквист координаталар системасида қуйидагича ифодаланади:

$$ds^2 = -\left(1 - \frac{2Mr}{\Sigma}\right) dt^2 - \frac{4Mr a \sin^2 \theta}{\Sigma} dt d\phi + \frac{\Sigma}{\Delta} dr^2 + \Sigma d\theta^2 + \left(r^2 + a^2 + \frac{2Mr a^2}{\Sigma} \sin^2 \theta\right) \sin^2 \theta d\phi^2, \quad (1)$$

бу ерда $\Sigma = r^2 + a^2 \cos^2 \theta$ ва $\Delta = r^2 - 2Mr + a^2$. Ҳалқа сингулярлик $r = 0, \theta = \pi/2$ да кузатилади. $\Delta = 0$ тенгламанинг ечимлари ташқи ва ички горизонтни беради

$$r_{\pm} = M \pm (M^2 - a^2)^{1/2}. \quad (2)$$

Ташқи горизонт $r_{+} \equiv r_H$ – «ходисалар горизонти» дейилади. Бу ердаги геометрия икки хил, вақтсимон $\delta / \delta t$ ва фазосимон $\delta / \delta \phi$ Киллинг векторлари орқали характерланади, улар мос равишда энергия E ва импульс моменти L сақланишини ифодалайди.

Табийки, Керр фазо-вакти ташқи магнит майдонда стационар ва аксиал симметрик бўлишини ҳам назарда тутамиз. Шундан келиб чиқиб Киллинг тенгламасини қуйидагича ёзишимиз мумкин: $\xi_{\alpha;\beta} + \xi_{\beta;\alpha} = 0$ ва унинг электромагнит майдон учун ечими эса

$$A^\mu = C_1 \xi_{(t)}^\mu + C_2 \xi_{(\phi)}^\mu, A_t = \frac{B}{2}(g_{t\phi} + 2ag_{tt}), A_\phi = \frac{B}{2}(g_{\phi\phi} + 2ag_{t\phi}), \quad (3)$$

кўринишда ифодаланади. Шунинг эслатиб ўтиш керакки, қора ўранинг A билан берилган квадрупол электр майдони, магнит майдон куч чизиқлари бурлишининг натижасидир. (3) тенгламалардаги иккита тенглама ассимтотик магнит майдон учун олинган. Шунга қарамай, аксиал симметрик қора ўра атрофида индукцияланган зарядлар ҳисобига пайдо бўлувчи электр майдон ҳам мавжуд бўлади.

Биринчи боб, шунингдек, ташқи магнит майдонга жойлаштирилган айланувчи қора ўра атрофидаги зарядланган синов зарра ҳаракатига электромагнит нурланиш реакцияси – таъсирини ўрганиш билан давом этади. Кўп астрофизик жараёнларда ташқи магнит майдонга жойлаштирилган («ботирилган») деб ҳисобланадиган қора ўра атрофида зарядланган зарралар ҳаракатида юзага келадиган синхротрон нурланишларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Зарядланган зарранинг эгриланган фазо-вақтдаги ҳаракати қуйидаги тенглама орқали аниқланади:

$$\begin{aligned} \frac{Du^\mu}{d\tau} &= \frac{q}{m} F_\nu^\mu u^\nu + \frac{2q^2}{3m} \left(\frac{D^2 u^\mu}{d\tau^2} + u^\mu u_\nu \frac{D^2 u^\nu}{d\tau^2} \right) \\ &+ \frac{q^2}{3m} (R_\lambda^\mu u^\lambda + R_\lambda^\nu u_\nu u^\lambda u^\mu) + \frac{2q^2}{m} f_{tail}^{\mu\nu} u_\nu, \end{aligned} \quad (4)$$

бу ерда охирда берилган f интеграл қуйидагича ифодаланади:

$$f_{tail}^{\mu\nu} = \int_{-\infty}^{\tau-0^+} D^{[\mu} G^{\nu]\lambda'}(z(\tau), z(\tau')) u^{\lambda'} d\tau', \quad (5)$$

бу ерда u^μ q заряд ва m массали зарранинг 4-тезлиги. $F_{\mu\nu} = A_{\nu,\mu} - A_{\mu,\nu}$ – электромагнит майдон тензори, бу ерда A_μ – ташқи магнит майдоннинг 4-вектор потенциали. R_ν^μ – Риччи тензори, $G_{+\lambda}^\mu$ кечикувчи Грин функцияси ҳамда интеграл зарранинг дунё чизиғи z бўйича олинади, яъни $u^\mu(\tau) = dz^\mu(\tau)/d\tau$. Диссертацияда кўрсатилганидек, элементар заррачалар учун Риччи терминини вакуум ҳолида ҳисобга олмаслик мумкин. Масалан, 10 Куёш массали қора ўра атрофидаги горизонтда «дум» куч ва гравитацион кучлар нисбати тахминан 10^{-19} га тенг. Шундай қилиб, астрофизик қора ўралар атрофида электронлар ва протонлар ҳаракати Лоренц-Дирак ковариант кўринишда яхши ифодаланиши мумкин. Шундай қилиб, Лоренц-

Дирак тенгламаси ташқи кучлар йўқ бўлган ҳолда тезлаштирувчи, координаталар бўйича учинчи даражали ҳосилали Шётт ҳадини ўз ичига олади. Биз ташқи кучларнинг учинчи даражали ҳосиллага эга ҳадларини ўзгартириб, тенглама даражасини сезиларли даражада пасайтириш мумкинлигини кўрсатдик. Бу ерда Дирак ассимтотик шарти қилиб $\frac{Du^\mu}{d\tau}|_{\tau \rightarrow \infty} = 0$ олинган. У ҳолда ҳаракат тенгламасини қуйидагича ёзишимиз мумкин бўлади:

$$\frac{Du^\mu}{d\tau} = \frac{q}{m} F_\nu^\mu u^\nu + \frac{2q^2}{3m} \left(F_{\beta;\mu}^\alpha u^\beta u^\mu + \frac{q}{m} (F_\beta^\alpha F_\mu^\beta + F_{\mu\nu} F_\sigma^\nu u^\sigma u^\alpha) u^\mu \right), \quad (6)$$

бу ерда нуқтали вергул билан ковариант координаталар ҳосилалари белгиланган. (6) тенглама Ландау-Лифшиц тенгламасининг ковариант кўриниши бўлиб, инерция принципига мос келувчи иккинчи тартибли дифференциал тенгламадир. Биз Лоренц-Дирак ва Ландау-Лифшиц тенгаламаларининг иккаласини ҳам интеграллаб, бир хил натижаларни қўлга киритамиз. Диссертацияда траекторияларга “жавоб берувчи” (6) динамик тенгаламаларни интеграллаш усуллари тақдим этилган. Хусусан, экваториал ҳаракатдаги зарядли зарранинг “охирги тақдири” (қора ўрага тушадими ёки стабил айланма орбитага тушадими) ташқи Лоренц кучининг ориентациясига боғлиқлиги кўрсатилди, жумладан, зарранинг нурланиш реакция кучи мувозанат радиуси атрофидаги ҳар қандай тебранишни сўндиради. Бундан ташқари, радиация реакцияси кучи магнитланган қора ўра атрофидаги тартибсизлик даражасини камайтиришга олиб келди, бу космик кузатиладиган турли объектлар акрецион дискининг шаклланиши каби бир неча муҳим натижаларга олиб боради. Биз, шунингдек, m массали q зарядли зарранинг M массага ва B магнит майдонга эга қора ўра атрофидаги ҳаракати учун совиш вақтини ҳисоблаганмиз. Барча доимийлар киритилиб, зарядли зарра учун “совиш вақт шкаласи” қуйидаги (7) ифодада келтирилган

$$\tau_{cooling} \approx \left(1 - \frac{2GM}{rc^2} \right)^{-1} \frac{3m^3 c^5}{2q^4 B^2}. \quad (7)$$

Диссертацияда муҳокама қилинганидек, реал шароитларда Лоренц кучи гравитацион кучга нисбатан доминант ҳисобланади. Қора ўра яқинида “совиш вақти” камайд. Қуйидаги 1-жадвалда электронлар, протонлар ва тўла ионланган темир ядролари учун магнит майдоннинг турли қийматларидаги “совиш вақти” қийматлари келтирилган.

1-жадвал

Магнит майдоннинг B турли қийматлари учун электронлар τ_e , протонлар τ_p ва тўла ионланган темир ядролари τ_{Fe} учун “совиш вақтлари”.

| B (Гс) | τ_e (с) | τ_p (с) | τ_{Fe} (с) |
|-----------|--------------|--------------|-----------------|
| 10^{12} | 10^{-16} | 10^{-6} | 10^{-5} |
| 10^8 | 10^{-8} | 10^2 | 10^3 |
| 10^4 | 1 | 10^{10} | 10^{11} |
| 1 | 10^8 | 10^{18} | 10^{19} |
| 10^{-4} | 10^{16} | 10^{26} | 10^{27} |

Массага учинчи даражали боғланиш натижасида электронлар протонларга нисбатан 10^{10} марта тезроқ совийди. Яна бир тарафдан, совиш вақти ва орбита вақтларини таққослашимиз мумкин: энг кичик стабил орбита радиусида $\tau_{orb} \approx 4\pi r_{isco} / c$, юлдузсимон қора ўралар учун 10^{-3} с ёки ўта массив қора ўралар учун 10^5 с тартибда бўлади. Шундай қилиб, энергия ажралиши электрон каби энгил зарралар учун жуда актуал бўлиши мумкин.

Зарядланган заррачаларнинг энергия йўқотиш тезлиги ҳаракат тенгламасининг вақт компонентаси ёрдамида аниқроқ ҳисоблаб чиқилиши мумкин. Ҳисоблашлар натижасида қуйидагига эга бўламиз:

$$\frac{dE}{d\tau} = -K_1 E^3 + K_2 E x(\tau), \quad (8)$$


бу ерда $K_1 = 4kB^2$ ва $K_2 = 2kB$ лар доимийлар ва $x(\tau) = 2kBf(\tau) + u^\phi(\tau)/r(\tau)$. Бу тенгламанинг аналитик ечими қуйидаги кўринишда топилиши мумкин:

$$E(\tau) = \frac{E_i e^{\kappa_2 X(\tau)}}{\left(1 + 2K_1 E_i^2 \int_0^\tau e^{2\kappa_2 X(\tau')} \tau' d\tau'\right)^{\frac{1}{2}}}, \quad (9)$$

бу ерда $X(\tau) = \int_0^\tau x(\tau) d\tau$.

Ҳаракат тенгламаларини сонли интеграллашда нурланиш орбитал кенгайишининг янги эффектлари топилди. Нурланишнинг таъсири туфайли зарядланган зарранинг стабил айланма ҳаракат радиуси магнитланган қора ўрадан ташқи тарафга силжиши (катталашishi) кўрсатилди. Бу эффект чексиз узоқликдаги кузатувчи учун заррача импульс моменти ва энергиясининг ошишига олиб келади. Бундан ташқари бу каби орбиталарнинг кенгайиши магнит майдон конфигурациясига боғлиқ эмаслиги ҳам кўрсатилган. Аммо у фақатгина қора ўрадан ташқи тарафга

йўналган Лоренц кучи бўлган ҳолларда пайдо бўлади. Бу шартларда $qLB > 0$, бу ерда q – заряд ва L – импульс моменти ҳамда B – ташқи магнит майдон индукцияси. Нурланишнинг орбита кенгайишига таъсири 1-расмда келтирилган.



1-расм. Зарядли зарранинг махсус магнит майдон (юқорида) ва диполь (пастда) магнит майдонда қора ўра атрофидаги ҳаракатида зарра орбитал радиуси, энергияси, импульс моменти ва зарра тезлиги турли компоненталарининг ўзгариши. Траекториянинг бошланиш нуқтаси қора нуқта билан белгиланган. Нурланишсиз траектория пунктир кизил чизиқлар билан берилган.

Зарядланган зарранинг магнит майдон фиксирланган қора ўра атрофидаги экваториал текисликдаги ҳаракатида кинетик энергиянинг доимий камайиши, зарранинг потенциал энергияси ошиши кузатилади. Олинган энергия билан зарранинг чексизликдаги ($E_\infty = mc^2$) энергиялари нисбати энг кичик стабил орбитанинг жойлашишига боғлиқ. Зарядланган зарралар учун энг кичик стабил орбитанинг горизонтга жуда яқин жойлашиши билан максимал (100 %) самардорликка эришиш мумкин. Аммо 100 % самардорлик имконсиздир, чунки энг кичик стабил орбитанинг горизонтда жойлашишида $B \rightarrow \infty$. Магнит майдон бўлмаган ҳолда зарранинг орбитасини чексизликдан энг кичик стабил орбитага кўчиришдаги тесқари механик жараённинг формал эффеқтивлиги 5.7 %. Шунини эслатиб ўтиш жоизки, кўпчилик реал ҳолларда орбиталарнинг кенгайиш эффеқти орбитал вақт шкаласига нисбатан жуда юқори тартибларда секин бўлади. Бироқ баъзи кучли магнит майдон мавжуд бўлган астрофизик жараёнларда бу эффеқт таққосаланадиган даража бўлиши мумкин.

“Сомон йўли марказидаги қора ўра” деб номланган иккинчи боб галактикамиз марказидаги Sgr A* деб номланган ўта массив қора ўрани ўрганишга бағишланган. Кузатув натижалари қора ўранинг массасини катта аниқликда баҳолашга ёрдам берди: унинг массаси $M_* = 4.14 \times 10^6$ Куёш массасига тенг бўлиб, ва бу эса $R_g = 2GM_*/c^2 = 1.22 \times 10^{12} \text{ см} \sim 10^{12}$ см ли гравитацион радиусига мос келади. Ушбу боб галактика марказидаги релятивистик муҳитни жуда катта ёй бурчак сезгирликка эга ускуналар ёрдамида исботланишини келтиришдан бошланади. Ушбу боб галактика марказидаги ташқи магнит майдонга жойлаштирилган айланувчи ўта массив қора ўра зарядининг ҳақиқий чеграсини турли хил моделлар ва методлар асосида аниқлаш билан давом эттирилади. SgrA* зарядининг чегаравий қийматлари 2-жадвалда келтирилган. Жадвалда келтирилган электр заряднинг барча юқори чегаралари энг камида максимал зарядга нисбатан 10 марта кичик ва шунинг учун бу фазо-вақт метрикасига таъсир қилмайди. Бироқ заряд миқдори кичик бўлишига қарамасдан қора ўранинг электр майдони зарядланган зарралар динамикасига етарли даражада таъсир қилади ва улар тормозланиш-нурланиш ёрқинликнинг ўзгаришига қараб текширилиши мумкин. Шунинг учун диссертацияда қора ўра зарядини кузатув орқали текширишнинг янги усули таклиф қилинган. Аккреция назариясида қора ўранинг яна бир муҳим характеристикаси бу энг кичик стабил орбитанинг жойлашувидир. Турли ($e^-, Q < 0$ ёки $p^+, Q > 0$) зарядларда энг кичик стабил орбита $r = 3r_s$ дан $r = 1.83r_s$ гача кўчиши мумкин. Бу эффект айланиш параметри $a_* = 0.64$ бўлган ҳолдаги эффект ўрнини босиши мумкин. Буни Sgr A* нинг айланиш параметрларини ҳисоблаш моделларида ҳисобга олиш мумкин.

2-жадвал


Галактика марказидаги ўта массив қора ўра электр зарядининг турли чегаравий қийматлари

| Жараён | Чегара | Изоҳ |
|---|---|----------------|
| ρ ва e массалари фарқи | $Q_{eq} = 3.1 \times 10^8 \left(\frac{M_*}{4 \times 10^6 M_\odot} \right) Кл$ | Турғун заряд |
| Протонлар аккрецияси | $Q_{max}^+ = 6.16 \times 10^8 \left(\frac{M_*}{4 \times 10^6 M_\odot} \right) Кл$ | Нотурғун заряд |
| Электронлар аккрецияси | $Q_{max}^- = 3.36 \times 10^5 \left(\frac{M_*}{4 \times 10^6 M_\odot} \right) Кл$ | Нотурғун заряд |
| Магнит майдон ва қора ўра айланиш параметри | $Q_{ind}^{max} \leq 10^{15} \left(\frac{M_*}{4 \times 10^6 M_\odot} \right)^2 \left(\frac{B_{ext}}{10G} \right) Кл$ | Турғун заряд |
| Экстремал қора ўра | $Q_{max}^{theor} = 6.86 \times 10^{26} \left(\frac{M_*}{4 \times 10^6 M_\odot} \right) \sqrt{1 - \tilde{a}^2} Кл$ | Юқори чегара |

Ушбу бобда, шунингдек, Галактика марказидаги айланувчи Sgr A* қора ўра хусусиятлари ва чакнаш нуқталари динамикаси таҳлил қилинган. Яқиндагина GRAVITY@ESO галактика марказидаги ўта массив қора ўра гравитацион радиуси атрофида инфрақизил соҳага яқин $2.2\mu m$ тўлқин узунлигидаги кузатув натижаларини эълон қилди. Чакнаш нуқталарининг табиати ва келиб чиқиш сабаблари номаълумлигича қолмоқда. Кўп тахминларга қарамадан улар иссиқ магнитланган оқим динамикасининг ўзгариши билан боғлиқ. Бу ҳодисани тушунтирувчи феномен оралик ҳодисалар ёки Қуёшдаги каби магнит куч чизикларининг қўшилишидан хосил бўладиган Рентген чакнашлари ёки магнитогидродинамик нотурғунлик билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Бошқа томондан, магнит майдонда мавжуд ҳолда плазманинг релятивистик ҳаракати, плазмадаги зарядлар парчаланиши ва умумий зарядлар зичлигининг ортишига олиб келади. Ташқи магнит майдонда плазма ҳаракати билан бўлган ҳаракатланувчи санок системасида электр майдон компенсацияси бу зарядни оширади. Sgr A* яқинидаги магнит майдон индукцияси 10–100 Гс деб баҳоланган. Горизонтал кутбланиш деворларининг яқинда кузатилган ёруғлик чакнашларининг орбитал даврлари билан таққосланадиган вақт шкаласи билан кузатишлари ҳаракатлар орбитаси текислигига перпендикуляр магнит майдонининг йўналишини билдиради. Бунинг натижасида, релятивистик орбиталарда айланувчи чакнаш билан боғлиқ бўлган нуқталар плазмадаги зарядлар бўлиниши туфайли умумий электр зарядга эга бўлиши мумкин. Шунинг учун биз диссертацияда Sgr A* атрофидаги чакнаш компоненталарининг динамикасига ва хусусиятларига электромагнит майдоннинг таъсирини ўргандик.

Асосан астрометрик хатоликлар ва тўлиқ бўлмаган орбитал қамрови сабабли юзага келадиган ўлчовдаги хатоликларни ҳисобга олган ҳолда Лоренц кучининг катталигига, иссиқ жойларнинг электр токини ва аниқ заряд зичлиги билан боғлиқ чекловларни кўямиз. Чакнаш компоненталари бирдан қичик бўлган ҳолда заряд қийматлари учун $10^{13-16} Кл$ чеклов лимитлари олинди. Бу плазма коцентрациясининг $10^{-5} см^{-3}$ тартибдаги қийматига мос келади. Ҳолбуки, плазма зичлиги $10^{6-8} см^{-3}$ тартибида. Иссиқ нуқта динамикасига электромагнит майдон таъсири илгариги ишларда ҳисобга олинмаган. Хусусан, электромагнит майдон Sgr A* айланишининг ўлчамига қандай таъсир қилиши мумкинлигини кўриб чиқдик. Қора ўранинг нол бўлмаган кичик зарядга эга бўлиши унинг атрофидаги магнит майдоннинг буралиб қолишига ўхшаган ҳодисага олиб келади. 2-расмда таклиф қилинган модель билан орбитага тўғри келадиган натижалар кўрсатилган.



2-расм. Чапда: GRAVITY томонидан кузатилган учта чакнашларда орбита-давр муносабати, 22-июлда (қора), 27-майда (қизил) ва 28-июлда (кўк). $4.14 \times 10^6 M_{\odot}$ массали, айланиш текислигига перпендикуляр ташқи магнит майдонга жойлаштирилган Керр қора ўраси атрофида айланувчи зарядланган қайноқ нуқта билан мослаштирилган. $B=0$ (узлуксиз чизиклар) соф қора ўрасига тўғри келади, $B = \pm 1.5 \times 10^{-2}$ бўлган ҳолда Лоренц кучининг гравитацион кучга нисбатини билдиради. Учта чакнаш нуқталаринг ўртача қиймати $B = -3 \times 10^{-3}$ бўлган ҳолга тўғри келади. Ўнгда: кичик индукцияланган зарядга эга бўлган қора ўра учун натижалар.

